

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗОКИРОВ БОТИРЖОН ПУЛАТХУЖАЕВИЧ

**ХОРИЖГА ЧИҚАРИЛГАН ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ
ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТАРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Зокиров Ботиржон Пулатхужаевич

Хорижга чиқарилган жиноий даромадларни Ўзбекистонга қайтаришнинг
процессуал жиҳатлари

Зокиров Ботиржон Пулатхужаевич

Процессуальные аспекты возврата в Узбекистан преступных доходов
вывезенных за рубеж.....

Zokirov Botirjon Pulatkhusaevich

Procedural aspects of the return to Uzbekistan of criminal proceeds exported
abroad.....

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2022.2.PhD/Yu716.

Диссертация выполнена в Университете общественной безопасности Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском резюме) на сайте <http://www.jxu.uz> и информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz)

Научный руководитель: Закурлаев Абдумутал Каримович
доктор юридических наук, доцент

Официальные оппоненты: Пнагамджанова Зумратхон Фатхуллаевна
доктор юридических наук, профессор

Султонов Абдулла Азаматович
доктор философии по юридическим наукам, доцент

Ведущая организация: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан


Защита диссертации состоится «24» октября 2022 года в 14:30 на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc. 32/30.12.2020.Yu/74.01 при Университете общественной безопасности Республики Узбекистан (Адрес: 100211, Ташкент обл., Зангиатинский район, курган Чорсу, Тел.: (+998)71-230-32-71; факс: (+998)71-230-32-50; e-mail: mgjxu@mail.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета общественной безопасности Республики Узбекистан (зарегистрировано за №358) (Адрес: 100211, Ташкент обл., Зангиатинский район, курган Чорсу, Тел.: (+998)71-230-32-71; факс: (+998)71-230-32-50).


Автореферат диссертации разослан «12» октября 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 7 от «12» октября 2022 года).




М.Х.Густамбаев
член Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, профессор


Ш.М.Газиев
Научный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, доцент


М.Б.Усмонов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор юридических
наук, профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда активларни ноқонуний олиб чиқиб кетилишига қарши курашда жазо тайинлаш билан бир қаторда, активларни мамлакатга қайтарилиш жараёнларида самарадорликка эришиш ҳаётий заруриятга айланмоқда. БМТнинг тадқиқотларига кўра¹, келиб чиқиш манбаи жиной бўлган даромадларнинг легаллаштирилиши йилига ўртача дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 2-5 фоизни ташкил этиб, унинг миқдори тахминан 800 млрд. АҚШ долларидан 2 трлн. АҚШ долларигача маблағларни камраб олади. Жаҳон банки маълумотларига кўра², ушбу маблағларнинг 1-1,6 трлн. доллари жиной келиб чиқишини яшириш ҳамда келгусида қонуний иқтисодий айланмага киритиш мақсадида оффшор худудлар, молиявий марказлардан иборат хориж юрисдикцияларига чиқарилади. Бу эса, ривожланган давлатлар тажрибасида мавжуд бўлган жиной даромадларни қайтариш бўйича илғор механизмларни, шу жумладан шубҳали операциялар бўйича «хабар бериш» тизимини, молиявий разведкани, мусодарани, репатриацияни, айти вақтда талон-торож этилган активларни ноқонуний четга чиқиб кетишининг олдини олишга қаратилган профилактик чораларни миллий қонунчилигимизга ва соҳа амалиётига жорий қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда хорижга чиқарилган жиной даромадларни қайтариш бўйича халқаро процессуал стандартларнинг мавжуд эмаслиги натижасида жиной уюшмалар томонидан активларни ноқонуний олиб чиқиб кетишга қарши курашиш, шу билан бирга активларни давлатга қайтариш механизмнинг турли жиҳатларига бағишлаб илмий тадқиқотлар олиб борилиши, бу борада, айтиқса, ноқонуний хорижга чиқарилган даромадларни қидиришда молиявий разведка фаолиятини такомиллаштириш, активларни хориждан қайтаришда мол-мулкни мусодара қилиш институтининг аҳамиятини ошириш, зарарни фуқаровий даъво тартибида ундирувга қаратиш, жиной даромадларни хориждан қайтаришда ваколатли давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, жиной даромадларни қайтариш бўйича процессуал ҳаракатларни хорижий давлат худудида амалга ошириш каби механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таҳлиллар қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда жиной активларни ноқонуний хорижга чиқиб кетиши ва уларни қайтариш масалаларини илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро-ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база шакллантирилмоқда. Хусусан, «...коррупцияга қарши курашиш амалиётида

¹ <http://www.unodc.org/unodc/en/money-laundering/globalization.html>.

² [http://www.siteresources.worldbank.org/StolenAssetRecoveryInitiative: Challenges, Opportunities and Action Plan](http://www.siteresources.worldbank.org/StolenAssetRecoveryInitiative/Challenges,OpportunitiesandActionPlan)

тизимли превентив чораларни кучайтириш» вазифалари белгиланган¹. Бу эса, хорижга чиқарилган жиноий даромадларни Ўзбекистонга қайтариш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, коррупцияга қарши курашишда замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликни, шу жумладан молиявий процессуал-мажбурлов чораларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида Жиноят кодексини, судга қадар иш юритиш босқичида молиявий процессуал-мажбурлов чоралари қўллаш тартибига оид ҳуқуқий институтни жорий этиш, жиноий активларни қайтаришда халқаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича Жиноят-процессуал кодекси нормаларини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони, 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги ПҚ-4818-сонли қарори, 2021 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6252-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 402-сонли қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар доирасида хорижга чиқарилган жиноий активларни қайтариш мавзуси нисбатан янги йўналиш бўлиб, соҳанинг процессуал жиҳатлари етарлича комплекс ўрганилмаган, фақатгина уни айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Жумладан, Ўзбекистонлик олим ва мутахассис тадқиқотчилардан П.А.Аллаберганов мансаб ваколатларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони/Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси. [www/lex.uz](http://www.lex.uz).

суиистеъмол қилган ҳолда жиноий даромадларни эгаллашнинг квалификацияси, Б.Ж.Ахраров шу тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари, Қ.Р.Абдурасулова мазкур тоифадаги жиноятларнинг махсус субъектлари, Б.Олимжанов жиноий даромадларни ўзлаштиришнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи, М.Олтиев соҳанинг хуфёна иқтисодий жиҳатлари, Р.Кабулов қарши курашдаги жиноий-ҳуқуқий чоралар, Д.Умархонова ҳақаро-ҳуқуқий масалаларни тадқиқ этишган.

МДХга аъзо давлатларнинг тадқиқотчилари - А.Иволга, О.Корзун, Д.Примаков, М.Шигревалар томонидан жиноий даромадларни қайтаришдаги муаммолар Россия, Украина ва бошқа хорижий давлатлар тажрибаси мисолида ёритилган, А.Кунев жиноий активларни хориждан қайтаришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги масалаларини ўрганган, А.Волеводз ва А.Соловьевлар жиноий активларни кидириш, таъқиқ қўйиш, мусодара қилиш ва хорижий давлатга юбориш каби процессуал жараёнларни турли давлатлардаги қонунчилик асосларини, Ю.Демидов бюджет соҳасида ноқонуний қўлга киритилган активларни қайтарилиши, В.В.Лунеев, Ю.Немцов ва И.Аржановалар Европа давлатлари мисолида жиноий активларни қайтариш тизимининг шаклланишини тадқиқ этишган.

Европа давлатлари тадқиқотчилари, хусусан, - J.P.Brun, L.Gray, K.Stephenson, C.Scott жиноий активларни қайтаришда «мусодара» масалалари, T.Greenberg ва W.Grant жиноий активларни ватанга қайтаришдаги амалий муаммолар, L.Davies ва K.Lasslett жиноий активларни қайтаришдаги принципиал қоидалар, Ch.Monteith ва A.Marshall глобал коррупциявий жараёнларда активларни қайтариш масалалари ҳамда M.Simonato ва M.Lassalle ўз илмий ишларида Европа давлатларининг жиноий-процессуал ҳуқуқида иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш ва жиноий активларни қайтариш масалаларини илмий тадқиқ этишган¹.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университетининг 2022-2026-йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Хорижга чиқарилган жиноий даромадларни Ўзбекистонга қайтаришнинг процессуал жиҳатлари» мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади хорижга чиқарилган жиноий даромадларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришнинг процессуал механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни хориждан қайтаришнинг моҳияти ва ижтимоий заруриятини ўрганиш;

¹ Ушбу ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жиноий активларни қайтаришнинг процессуал механизмининг ҳуқуқий тартибга солинишини тадқиқ этиш;

жиноий активларни қайтаришнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини илмий таҳлил этиш;

ривожланган хориж давлатларининг жиноий активларни қайтариш бўйича тажрибасини ўрганиш;

хорижга чиқарилган жиноий активларни Ўзбекистонга қайтариш механизмининг замонавий ҳолатини тадқиқ этиш;

жиноий йўл билан орттирилган ва хорижга чиқарилган мол-мулкни Ўзбекистонга қайтаришнинг процессуал-ҳуқуқий тартибга солинишини ривожлантириш масалаларини ўрганиш;

хорижга чиқарилган жиноий активларни Ўзбекистонга қайтариш механизмининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хорижга чиқарилган жиноий даромадларни Ўзбекистонга қайтариш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предметини хорижга чиқарилган жиноий даромадларни Ўзбекистонга қайтаришни тартибга солувчи қонунчилик нормалари, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг умумий ва махсус усуллари – тизимли тузилмавий, формал-мантиқий, статистик, аниқ-социологик, илмий манбаларни комплекс ўрганиш, идоравий-норматив ҳужжатлар, статистик ҳисоботларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган тақдирда хорижий давлат ваколатли органининг процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўрови хорижий давлат процессуал қонунчилиги нормалари бўйича қўлланилиши мумкинлиги асослантирилган;

хорижга чиқарилган жиноий даромадларни қайтариш процессида қўлланилувчи «халқаро сўров» ва «хорижий давлат молиявий разведка бўлинмаси» каби категорияларини юридик таърифини ишлаб чиқиш зарурлиги асослантирилган;

жиноий активларни қайтаришга масъул бўлган Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатли давлат органлари томонидан халқаро ҳамкорликни амалга оширишда хорижий давлатлар молиявий разведка бўлинмаларига зарур маълумотларни юбориш, халқаро сўров асосида операцияларни тўхтатиб туриш, легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш, улар бўйича молиявий тергов ўтказиш, ушбу жиноятларга алоқадор бўлган операцияларни ва шахсларни аниқлашда кўмаклашиш тартибини ишлаб чиқиш зарурлиги асослантирилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари хорижий давлатлар ваколатли органлари билан хорижга чиқарилган жиноий даромадларни қайтаришда хорижий алоқа операторлари орқали маълумотлар алмашиш, халқаро сўровларни алоқанинг химояланган электрон каналлари орқали ёхуд EGMONT молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг алоқа каналлари орқали юбориш тартибини жорий қилиш асослантирилган;

коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришда инсон аралашувини чеклаш, функцияларни рақамлаштириш, ҳар бир функциянинг коррупциявий хавф-хатар даражасини «паст», «ўрта» ва «юқори» ўлчовларда баҳолаб бориш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини ошириш каби механизмларни татбиқ этиш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноий даромадларни қайтариш жараёнларини илмий-назарий жиҳатидан такомиллаштириш мақсадида, «жиноий актив», «жиноий активларни қайтариш», «махсус ваколатли давлат органи», ва «оммавий мансабдор шахс», «хорижий оммавий мансабдор шахс» каби тушунчаларга таърифлари ишлаб чиқилган;

Жиноят-процессуал кодексига жиноий даромадларни Ўзбекистонга қайтариш юзасидан халқаро муносабатларни тартибга солувчи «Жиноят натижасида олинган даромадларни қайтариш соҳасида халқаро ҳамкорлик» деб номланган 65¹-боб, «Хуқм чиққунга қадар ноқонуний йўл билан топилган мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги иш юритиш тартиби» деб номланган 61¹-бобни киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

«мусодара» институтининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида, Жиноят кодексига «Еттинчи¹ бўлим. Мусодара қилиш жиноий ҳуқуқий таъсир чораси» деб номланган алоҳида бўлим («Мусодара қилиш» номли 96¹-модда ва «Мусодара қилинувчи мол-мулк, жиноят қуроли ва пул маблағлари» номли 96²-моддаларидан иборат) киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонунига «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида амалга оширилган келишувлар, шартномалар, далолатномалар ва ҳаракатларнинг ҳақиқий эмаслиги» деб номланган 29¹-моддани киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

жиноий даромадларни хориждан қайтаришнинг аниқ босқичлари бўйича процессуал ҳаракатлар схема ишлаб чиқилган (2-илова);

молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан шубҳали операциялар ҳақида «хабар бериш» тизимини жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

активларни қайтаришда самарадорликни ошириш мақсадида хорижий молиявий разведка гуруҳлари (EGMONT, ACAMS, ACFE) билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шундан иборатки, талон-

торож этилиб, хорижга чиқарилган жиноий даромадлар юзасидан кўзгатилган жиноят ишлари бўйича охириги уч йиллик статистик маълумотлар (2019-2021 й.й.) тўпланган, ривожланган хорижий давлатларнинг (АҚШ, Буюк Британия, Япония, Канада ва бошқалар) жиноий активларни репатриация қилиш бўйича илғор тажрибалари ўрганилган, мазкур соҳада бевосита фаолият олиб борувчи мутахассислар билан экспертлар сўрови ва респондентларнинг анкета сўровномалари таҳлил этилган, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, тадқиқот натижалари хорижий ва илмий нашрларда чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликнинг тегишли нормаларини тадбиқ этишда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, жиноий активларни қайтаришнинг процессуал жиҳатлари билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар ўтказишда, шунингдек, «Криминалистика», «Жиноят ҳуқуқи» ва «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» фанларидан маъруза, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишида жиноий даромадларни хорижга чиқарилишини олдини олиш ва улар билан боғлиқ бўлган превентив чоралар, талон-торож этилиб, хорижга чиқарилган мулкларни мусодара этилиши тартиб-таомилларини белгиловчи процессуал иш юритиш тартиби, хорижга чиқарилган мулкларни Ўзбекистонга қайтарилиши бўйича ваколатли давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича фаолиятни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

хорижий давлат ваколатли органининг процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўрови Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган тақдирда хорижий давлат процессуал қонунчилиги нормалари бўйича қўлланилиши мумкинлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 48-моддаси 33-бандида, шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 595-модда билан тўлдирилишида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2022 йил 29 июлидаги 04/2-10/3729-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши хорижий давлат ваколатли органларининг процессуал ҳаракатларни Ўзбекистон ҳудудида амалга ошириш тўғрисидаги сўровни бажариш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

хорижга чиқарилган жиноий даромадларни қайтариш процессида қўлланилувчи «халқаро сўров» ва «хорижий давлат молиявий разведка бўлинмаси» каби категорияларга юридик таъриф беришга оид таклифлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 12/21-43-сон далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижада, хорижга чиқарилган жиноий даромадларни Ўзбекистонга қайтаришнинг юридик терминологиясини ривожланишига хизмат қилган;

жиноий активларни қайтаришга масъул бўлган Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатли давлат органлари томонидан халқаро ҳамкорликни амалга оширишда хорижий давлатлар молиявий разведка бўлинмаларига зарур маълумотларни юбориш, халқаро сўров асосида операцияларни тўхтатиб туриш, легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш, улар бўйича молиявий тергов ўтказиш, ушбу жиноятларга алоқадор бўлган операцияларни ва шахсларни аниқлашда кўмаклашиш тартибини ишлаб чиқишга оид таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 7 ва 10-бандларида ўз ифодасини топган (*Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 12/21-43-сон далолатномаси*). Бу таклифнинг жорий этилиши жиноий активларни Ўзбекистонга қайтаришда хорижий давлатнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлиги амалиёти такомиллашувига хизмат қилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари хорижий давлатлар ваколатли органлари билан хорижга чиқарилган жиноий даромадларни қайтаришда хорижий алоқа операторлари орқали маълумотлар алмашиш, халқаро сўровларни алоқанинг ҳимояланган электрон каналлари орқали ёхуд EGMONT молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг алоқа каналлари орқали юбориш тартибини жорий этишга оид таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 22 ва 25-бандларида ўз ифодасини топган (*Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 12/21-43-сон далолатномаси*). Бу таклифнинг жорий этилиши ваколатли давлат органлари томонидан жиноий активларни Ўзбекистонга қайтариш бўйича процессуал ҳаракатларни амалга ошириш алоқа каналларининг ҳуқуқий тартибга солинишини ривожланишига хизмат қилган;

коррупциявий хавф-хатарларни камайитиришда инсон аралашувини

чеклаш, функцияларни рақамлаштириш, ҳар бир функциянинг коррупциявий хавф-хатар даражасини «паст», «ўрта» ва «юқори» ўлчовларда баҳолаб бориш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини оширишга оид таклифлар Миллий гвардиянинг 2022 йил 31 майдаги 153-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш тизимини йўлга қўйиш тўғрисида»ги буйруғининг 1-банди ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2022 йил 12 июлдаги 7570/б-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг жорий этилиши Миллий гвардия бўлинмалари фаолиятида коррупциявий хавф-хатар даражасини камайтиришда инсон аралашувини чеклашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8та республика ва 2та хорижий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15та, жумладан, 5та илмий нашрларда (шундан 1таси хорижий журналларда) илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацияси кириш, 7та параграфни ўз ичига олган 3та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асослантилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I-боби «**Хорижга чиқарилган жиноий активларни Ўзбекистонга қайтаришнинг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, ушбу бобдаги иккита параграфда жиноий активларни қайтариш жараёнларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари ўрганилиб, активларни қайтариш жараёнларининг моҳияти очиб берилди, ушбу жараёнларни тадқиқ этиш юзасидан илмий ёндашувлар тавсифланди, шунингдек, соҳани процессуал-ҳуқуқий тартибга солиниши жиҳатлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг «*Жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни қайтаришнинг моҳияти ва ижтимоий зарурияти*» деб номланган биринчи параграфи замонавий дунёда жиноий даромадларни хорижга чиқиб кетиши халқаро майдонда глобал муаммога айланганлигини ҳамда «*жиноий*

активларни қайтариш», «репатриация» тушунчаларининг моҳиятини очиб беришга бағишланган.

Талон-торож этилган активлар БМТнинг коррупцияга қарши курашиш Конвенцияси(КҚКК)да идентификацияланган ҳар бир жиноятнинг маҳсули ҳисобланиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда активларни репатриация қилиш том маънода коррупция қурбони бўлган давлатга ўша маблағни қайтариш жараёни деб тушунилади ёки КҚККда кўрсатиб ўтилган барча жиноятлар натижасида қўлга киритилган бойликларнинг тегишлилиги бўйича қайтарилишидир.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, активларни қайтариш жараёни амалдаги ёки собиқ ҳокимият вакиллари, уларнинг оила аъзолари, сиёсий иттифоқдошлари, аффилиар шахслар, шунингдек, қандайдир чет эл актёрларининг коррупцион фаолияти натижасида талон-торож этилган давлат маблағларини қайтариш бўйича юридик жараён сифатида муҳокама қилишади.

Олиб борилган илмий таҳлил натижаларидан кўра, *жиноий активларни қайтариш* – бу халқаро-молиявий характерга эга бўлган жиноий-процессуал институт бўлиб, у коррупцион жиноятлар натижасида орттирилиб, хорижий давлатларда яширинган даромадларни мамлакатга қайтариш бўйича давлат органларининг фаолиятини ифодалайди. Бундай активлар ўз ичига банкдаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, транспорт воситалари, санъат буюмлари ва асарлари, шунингдек, қимматбаҳо металл кабиларни олади.

Биринчи бобнинг «*Жиноий активларни қайтаришнинг процессуал механизмининг ҳуқуқий тартибга солиниши*» деб номланган иккинчи параграфида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жиноий активларни қайтаришнинг процессуал механизмининг тартибга солинишига қаратилган чоралар кўрсатиб ўтилган.

Талон-торож этилган активларни қайтаришни процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш коррупцияга қарши кураш тизимини ислоҳ этиш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб, у 2000 йилларда БМТнинг Коррупцияга қарши кураш Конвенциясини ишлаб чиқилиши муносабати билан ривожлана бошлаган. Бунинг натижасида ушбу конвенцияда активлар қайси давлатдан талон-торож этилган бўлса, шу давлатларга қайтарилиши ҳақидаги принципиал қоида киритилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, аввал қабул қилинган БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенциясида ҳам жиноий йўл билан орттирилган маблағларни ўз давлатига қайтариш позициясини ўзида акс эттирган (13,14-моддалари).

Бундан кўриш мумкинки, БМТ ноқонуний олиб чиқиб кетилган активларнинг қайтарилиши жараёнларини халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик нуқтаи назаридан доимо ижобий баҳолаб келган.

Миллий қонунчилигимизда «жиноий даромадларни қайтариш» тушунчасининг мавжуд эмаслигига қарамай, активларни қайтариш жараёни

билан боғлиқ баъзи атамалар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда «жиноий фаолият натижасида қўлга киритилган даромадлар», «жиноий фаолият натижасида орттирилган даромадларнинг легализацияси», «бирор мулкни ёки пул маблағларини музлатиш», «операцияни тўхтатиш» каби тушунчаларга изоҳ берилган.

Мазкур соҳадаги сўнгги ислохотлар 2021 йил 28 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-6252-сон Фармони ҳамда 2021 йил 29 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 402-сон қарори билан тасдиқланган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низоми қабул қилинганлиги соҳа фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишига хизмат қилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган, жиноий даромадларни хориждан қайтариш жараёнини ўрганишга қаратилган, илмий ёндашувларни тадқиқ этиш натижасида, шунингдек ушбу жараёнларнинг процессуал-ҳуқуқий тартибга солиниши механизмининг миллий қонунчиликдаги жиҳатларидан келиб чиқиб, активларни қайтариш жараёнлари давлатлараро юридик жараёнларни ўзига қамраб олувчи, молиявий характерли, босқичма-босқич тизимли ёндашувга эга бўлган жиноий процессуал жараён эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Хорижий давлатларга чиқарилган жиноий активларни қайтаришнинг хорижий ва миллий амалиёти**» деб номланиб, унда жиноий активларни қайтаришнинг халқаро-ҳуқуқий асослари ўрганилди, ривожланган хориж давлатларининг жиноий активларни қайтариш бўйича тажрибалари илмий таҳлил қилинган ҳамда жиноий фаолият натижасида олинб, Ўзбекистондан хорижга чиқарилган даромадларни қайтариш механизмининг замонавий ҳолати тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг «*Жиноий активларни қайтаришнинг халқаро-ҳуқуқий асослари*»га бағишланган биринчи параграфиди императив қоидаларни ўзига акс эттирган ҳужжатлар таҳлил этилган.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш бўйича биринчи ва ягона универсал халқаро ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳужжат – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси бўлиб, у Бош ассамблеянинг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4 резолюцияси билан қабул қилинган.

Активларни қайтариш ҳаракатлари Конвенциянинг V-бобида тартибга солинган бўлиб, унда активларни қанчалик тегишли эканлигига қараб,

сўралаётган давлатга қайтариш билан боғлиқ бир қатор қоидалар мавжуд.

Конвенциянинг 54 ва 55-моддаларида назарда тутилган мусодара қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик режасига кўра, мусодара қилиш тўғрисида сўров олган иштирокчи давлат сўров юбораётган давлатда чиқарилган мусодара қилиш буйруғини дарҳол ваколатли органларга юбориши керак (55/1(б)) ёки мусодара қилиш тўғрисидаги маҳаллий суднинг қарорини олиш учун ушбу сўровни ваколатли органларга юбориш ва агар шундай қарор қабул қилинган бўлса, уни бажариши лозим (55-модда.1-қ.(а)).

Ҳамкорликни янада соддалаштириш учун 55-моддада мусодара қилиш тўғрисида сўровда бўлиши керак бўлган маълумотлар рўйхати берилган (3б), шунингдек, ҳамкорликни рад этиш тамойиллари ва мезонлари кўрсатилган (7б) бўлиши лозим.

Давлатларнинг активларни қайтариш, шунингдек, коррупцияга оид жиноятлар натижасида орттирилган даромадларини қидириш, ҳибсга олиш ва мусодара қилиш мажбуриятларини ўз ичига олувчи минтақавий ҳужжатлардан бири Европа Кенгашининг 1999 йил 27 январда имзоланган Коррупция учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги Конвенцияси алоҳида аҳамият касб этади¹.

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича Конвенциянинг 103-моддасига мувофиқ, (Кишинёв ш., 07.10.2002й.) ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам масалаларида иштирокчилар сўровларга асосан бир-бирига қуйидагиларни топшириш мажбуриятларини оладилар.

Юқорида берилган халқаро концептуал нормалардан ташқари иштирокчи давлатлар ўртасидаги муносабатларда активларни қайтариш масалалари бўйича тавсиявий характердаги StAR Ташаббуси ва пулларни ноқонуний ювилишига қарши курашиш бўйича FATF гуруҳининг молиявий чоралар ишлаб чиқиш бўйича тавсифномаларидан фойдаланилади.

StAR ташаббуси доирасида чиқарилган муҳим услубий ҳужжатлардан бири бу Жаҳон банки томонидан тайёрланган «Талон-торож этилган активларни қайтариш: фуқаровий процессида активларни мусодара қилиш бўйича қўлланма» деб номланган таҳлилий кўрсатмалардир. Нашрнинг мақсади ривожланаётган мамлакатларга коррупционерлар томонидан ноқонуний ўзлаштирилган ва мамлакатдан олиб чиқилган активларни қайтаришга ёрдам беришдир. Қўлланмада жиноий процессуал жараёнларсиз самарали мусодара қилиш механизмининг асосини ташкил этувчи, эксперт тавсияларидан иборат ва тавсиявий характердаги 36 ҳуқуқий, операцион ва амалий тамойиллар таклиф қилинган. Улар маълум бир мамлакатнинг ҳуқуқий тизимида тегишли тушунчалар бўлмаган тақдирда ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Талон-торож этилган активларни қайтариш муаммоси билан бевосита боғлиқ бўлган халқаро молиявий стандартлардан бири бу жиноий

¹ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_121544/Европа кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги Конвенцияси” (27.01.1999 й. Страсбург шаҳрида имзоланган)

даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича FATF тавсиялари ҳисобланади.

FATF 1989 йилда терроризмга қарши кураш ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш мақсадида «Катта еттилик давлатлари» томонидан ташкил этилган бўлиб, мазкур институт ушбу соҳадаги халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга қаратилган.

Шунингдек, FATF давлатларга Вена ва Палермо Конвенциялари қоидаларига каби, ўзларининг ваколатли органларига жиноятлар натижасида ювилган шахсий мулклар, ёки бу каби мулклардан орттирилган даромадларни мусодара қилиш чораларини берувчи ички қонунчилик чораларини кўришни тавсия қилади.

ФАТФ томонидан талон-торож этилган активларни қайтариш масаласига тегишли №4 «Мусодара ва таъминот чоралари», №10 «Мижозларни синчковлик билан текшириш», №11 «Маълумотни сақлаш», №12 «Давлат хизматчилари», №20 «Шубҳали операциялари (битимлар) тўғрисида хабарлар», №24 «Шаффофлик ва бенефициар эгалар», №38 «Ўзаро ҳуқуқий ёрдам: музлатиш ва мусодара» ва бошқа тавсияларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Иккинчи бобнинг *«Ривожланган хориж давлатларининг жиноий активларни қайтариш бўйича тажрибаси»* деб номланган иккинчи параграфда хорижий мамлакатлар тажрибасининг айрим жиҳатлари ўрганилган, ташкилий механизмларни такомиллаштириш мақсадида уларнинг ижобий тажрибаси Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари юзасидан таклифлар шакллантирилган.

АҚШ, ЕИ, Исроил, Нидерландия, Япония, РФ, Қозоғистон каби давлатларнинг активларни қайтариш масалалари бўйича илғор тажрибалари кўрилиб, процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича РФ ҳамда Қозоғистоннинг тажрибаларини қўллаш масалалари тадқиқ этилган.

Иккинчи бобнинг *«Хорижга чиқарилган жиноий активларни Ўзбекистонга қайтариш механизмнинг замонавий ҳолати»* деб номланган учинчи параграфда активларни мусодара қилиш ва қайтариш билан боғлиқ Ўзбекистон қонунчилигининг халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан мутахассисларнинг баҳоси батафсил таҳлил этилган.

Хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига аъзо давлат сифатида коррупцияга оид жиноятлардан олинган даромадларни қайтариш имкониятини яратилиши керак. Шунингдек, қисман ёки бутунлай бошқа мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган, қонуний манбалардан олинган мулкка (даромадларнинг тахминий қийматига мос келадиган қисмига) бириктирилган, жиноятдан олинган даромадларга қўшилган ёки ўзгартирилган мол-мулкдан, жиноятлардан олинган даромадлардан ёки бундай даромадлар қўшилган мулкдан олинган фойда ёки бошқа имтиёзларга нисбатан мулкларни мусодара қилинишини таъминлаш ва жиноятлардан олинган даромадларни қайтариш заруриятига ҳам тааллуқли.

Ушбу тоифадаги жиноят ишларини юритиш давомида, мусодара қилиш

масаласини ҳал қилишда судлар ЖПКнинг моддалари билан бир қаторда, “Жиноят йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролиларини тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси қоидалари ҳам қўлланилади.

Айнан ушбу нормада жиноят содир этиш натижасида олинган даромадларга таъриф берилган, унга кўра жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар жиноий фаолиятдан олинган даромад ҳисобланади.

2022 йил апрель ойида интернетда эълон қилинган мақолаларда «Панама рўйхати»га мувофиқ, 86 нафар Ўзбекистон фуқароларининг оффшорларда катта миқдорда активларга эга эканлиги¹, Швейцария банки томонидан очиқланган маълумотларга кўра, 4 нафар Ўзбекистон фуқаролари Швейцариянинг «Credit Suisse» банкида йирик миқдорда маблағларга эга эканлиги очиқланди².

Бу энг аввало «шубҳали операциялар» ҳақида хабар бериш тизими тўлиқ тартибга солинмаганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, мазкур рўйхатларда сиёсий элиталарга боғлиқ бўлган шахсларни кўриш мумкин. Сиёсий элита ваколатларнинг чексизлиги оқибатида, улар томонидан амалга ошириладиган шубҳали пул кўчиришларни текшириш имкони мавжуд эмас. Буларнинг натижасида активларни ноқонуний хорижга олиб чиқилиши ҳолатлари сақланиб қолмоқда ҳамда хорижга аниқланган ушбу активларни қайтариш жараёнларида асосий омил бўлиб хизмат қилувчи - келиб чиқиши жиноий эканлигини исботлаш имкониятини янада камайтиради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Хорижий давлатларга чиқарилган активларни Ўзбекистонга қайтариш механизмини такомиллаштириш йўллари**» деб номланади. Мазкур бобнинг «*Жиноий йўл билан орттирилган ва хорижга чиқарилган мол-мулкни Ўзбекистонга қайтаришни процессуал-ҳуқуқий тартибга солинишини ривожлантириш*» номли биринчи параграфида Ўзбекистон Республикасининг жиноий процессуал қонунчилиги ва амалиётида такомиллаштирилиши лозим бўлган масалаларидан ёритилиб, унга кўра, жиноий йўл билан орттирилган мулкларни қайтарилиши тўғрисидаги қоидаларни қонунчилигимизга имплементация қилиш ва миллий процессуал нормаларга тадбиқ этишдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари белгиланган тартибда хорижий давлатлар ваколатли органлари билан хорижий алоқа операторлари орқали ёки активларни қайтариш бўйича боғловчи шахслар тармоқларидан фойдаланган ҳолда мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ва хатлаш масалалари бўйича маълумотлар алмашиш борасида ишларни амалга

¹ Rost24 - Яна бир рўйхат эълон қилинмоқда — Иқтисодий криминалга аралашгани тахмин қилинган ўзбекистонлик амалдорлар

² Швейцария банкидаги 4 нафар ўзбекистонликнинг ҳисоб рақамлари очиқланди (xabardot.uz)

оширадилар.

Махсус ваколатли давлат органи хорижий давлатлар ваколатли органларига мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ҳақидаги халқаро сўровлар хорижий давлатлар ваколатли органлари билан келишилган ҳолда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича белгиланадиган алоқанинг ҳимояланган электрон каналлари орқали ёхуд «Egmont» молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг алоқа каналлари орқали юборилиши мумкин.

Махсус ваколатли давлат органи хорижий давлат ваколатли органининг мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ҳақидаги сўровни қаноатлантириш тўғрисидаги жавобини олган тақдирда, бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органларини дарҳол хабардор қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари қаноатлантириш тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида халқаро сўровни тайёрлайди ва юборади.

Юқоридагилар билан бир қаторда миллий қонунчиликда активларни қайтариш бўйича халқаро сўровларни тайёрлаш, юбориш, ижро этиш ва рўйхатга олиш тартиби белгиланмаган. Диссертантнинг фикрича, ушбу нормалар Жиноят процессуал кодексида кўрсатилиши лозим.

Халқаро сўровда сўров юбораётган органнинг номи ва почта манзили, - сўров қабул қилаётган органнинг номи ва почта манзили, сўров асоси ва предмети, иш ҳолатининг ёки маълум бўлган маълумотларнинг қисқача ёхуд тўлиқ мазмуни, жиноят тавсифи, заруратга кўра, Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг матни, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, шунингдек, сўралаётган ҳужжатлар рўйхати ва маълумотдан фойдаланиш мақсади, заруратга кўра сўровнинг дарҳол ижро этилиши сабаблари, имкони борича, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, туғилган жойи, фуқаролиги, яшаш жойи манзили, турар жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг реквизитлари ҳақидаги маълумотлар, юридик шахснинг тўлиқ номи, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, почта манзили ва жойлашган жойи, мансабдор шахслари ҳақидаги маълумотлар, сўров объекти бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк ҳақида маълумотлар аниқ келтирилиши лозим.

Мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги сўровда мол-мулкни хатлаш учун асос бўлувчи маълумотлар, хатланиши лозим бўлган мол-мулкнинг тури ва қиймати, мол-мулкни жиноятга алоқаси, жиноятнинг тавсифи, мол-мулкни хатлаш муддати кўрсатилиши лозим.

Учинчи бобнинг *«Хорижга чиқарилган жиноий активларни Ўзбекистонга қайтариш механизмининг самарадорлигини ошириш»* деб номланган иккинчи параграфида жиноий активларни Ўзбекистонга қайтариш масалаларини ташкилий жиҳатидан такомиллаштириш мақсадида, «Egmont» гуруҳи, «ACAMS», «ACFE» ва «ACSA» каби ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистоннинг ўрнини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

«Egmont» – молиявий разведка бўлинмалари гуруҳи 1995 йил бир неча давлатлар ва ташкилотларнинг вакиллари томонидан Брюссель шаҳрининг Эгмонт-Арнберг қасрида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкилотга асос солинган. Асосий мақсади жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш масалаларида аъзо давлатларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда ўзаро ҳамкорликни рағбатлантиради.

Айни вақтда «Egmont» гуруҳига 155 мамлакат аъзо бўлиб, Ўзбекистон 2011 йилда аъзо бўлган. 2018 йил 5 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 710-сон қарори билан мазкур гуруҳда Ўзбекистон фаолиятини йўналишлари кўрсатилиб, Ўзбекистон номидан махсус ваколатли орган сифати Бош прокуратура қошидаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти белгиланган¹.

ACFE (Association of Certified Fraud Examiners (Фирибгарликка қарши кураш бўйича сертификатланган мутахассислар ассоциацияси)) – молиявий жиноятларга қарши сертификатланган мутахассислар ассоциацияси 1988 йил Джозеф Уэллсом томонидан ташкил этилган, АКШнинг Техас штатида жойлашган. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари молиявий жиноятларнинг турлари, содир этилиш шакллари ҳамда уларни фош этиш юзасидан мутахассисларни тайёрлайди ҳамда ушбу йўналишда қўлланмалар ишлаб чиқишдан иборат. Джозеф Уэллсом узоқ йиллар давомида Федерал тергов бюросида ишлаб, орттирган кенг тажрибасини ушбу лойихалар асосида тарғиб қилган. Ҳозирга келиб АCFEнинг дунё бўйлаб 190дан ортиқ филиаллари мавжуд.

ACFEда тайёрловдан ўтган мутахассислар молиявий жиноятларнинг янги кўринишларини фош этиш билан бирга, ўзларининг тавсиявий йўриқномалари билан кўплаб жиноятларни фош этишда ёрдам бериб келишмоқда².

ACCA (Association of Chartered Certified Accountants (Сертификатланган ёлланма бухгалтерлар ассоциацияси)) – молия ва аудит соҳасидаги мутахассисларни жамловчи, сертификатланган бухгалтерларнинг Британия ассоциацияси 8 нафар Лондонлик бухгалтерлар ассоциацияси томонидан 1904 йилда асос солинган. Штаб-квартираси Лондонда жойлашган, дунё бўйлаб 181 та филиаллари мавжуд, 630 000 ортиқ мутахассисларга эга. Фаолият йўналиши молия ва бухгалтерлик соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва ушбу йўналишда тавсиявий дастурларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бундан кўзланган мақсад, мазкур йўналишда юзага келиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноий даромадларни қайтаришда самарали натижаларга эришидан иборат.

